Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 июнь куни Оқсарой қароргоҳида Япониянинг ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (JETRO) раиси Н. Хатакеямани қабул қилди.

— Биз мамлакатни иқтисодий ривожлантириш стратегиясини белгилашда хориждаги тараққий топган давлатларнинг тажрибасини ўрганамиз, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Шу маънода Ўзбекистонда Япониянинг, хусусан, JETROнинг тажрибасига қизиқиш катта. Зеро, экспорт салоҳияти бўлмаган мамлакатнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Мамлакатимиз раҳбарининг экспорт салоҳиятига тўхталгани бежиз эмас. JETRO айни шу масала билан шуғулланувчи ташкилотдир. Н. Хатакеяма юртимизга Ўзбекистон маҳсулотларининг Японияга экспортини қўллаб-қувватлаш имкониятларини ўрганиш мақсадида ташриф буюрган. Ташриф асосида JETRO вакиллари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ўнлаб маҳсулотлардан намуналар олди. Улар ёрдамида Японiядаги ишбилармон доираларга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. JETRO кунчиқар мамлакатида Ўзбекистон маҳсулотлари кўргазмасини ташкил қилишни ҳам режалаштирмоқда. Шунингдек, ташкилот делегацияси кадрлар тайёрлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва бошқа соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини ўрганаётир.

Оқсаройдаги учрашувда ҳам Ўзбекистон билан JETRO ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев иштирок этди.

Учрашувда Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси К. Обата ҳозир бўлди.

(ЎзА)



Суратда: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 3 июнь, пайшанба • № 65 (24.460).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

«Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонларини бажариш юзасидан замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини етук педагог кадрлар билан таъминлаш, олий таълим тизимидаги ислоҳотларни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маркетинг изланишлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1999/2000 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 43653, шу жумладан 21839 давлат грантлари ва 21814 тўлов-контракт асосидаги қабул квоталари белгиланиб, улар Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари ҳамда таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар:

1998/99 ўқув йили якунида, олий таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш таълим стандартлари бажарилиши ва ўқиш муддати тугаши туфайли, бакалавр кадрларнинг биринчи чиқишини таъминласинлар;

1999/2000 ўқув йилидан олий таълим муассасаларида бакалавриат негизида аниқ мутахассисликлар бўйича магистратурага қабулни бошласинлар.

Мазкур ўқув йилига магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квоталари 3,0 минг, шу жумладан 1,2 минг давлат грантлари ва 1,8 минг тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар аниқланган олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича тақсимлансин;

магистратурага қабул рухсат этилган олий таълим муассасаларида 1999 йил 1 августига қадар таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари, дарсликлар, педагогик ва ахборот технологиялар ҳамда педагог кадрлар сифати Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида таъминлансин;

Давлат тест маркази билан биргаликда халқаро журналистика, журналистика, мусиқа таълими, чизмачилик ва тасвирий санъат, жисмоний маданият, санъат ва маданият, меъморчилик, дизайн, испан ва шарқ тиллари, чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия таълим йўналишлари бўйича абитуриентларни тест синовлари билан бир қаторда касбий (ижодий) имтиҳонлардан ўтказишни ташкил этсинлар ҳамда бир ҳафта муддат ичида ушбу масала юзасидан қабулга оид меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш учун Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

3. Олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларининг давлат намуналари тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида магистратурага қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низом»ни ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсинлар.

5. 1999/2000 ўқув йилига тиббиёт олий таълим муассасалари қошида илк бор ташкил этилаётган 3 йиллик олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлимларига умумий қабул квоталари 180, шу жумладан 90 давлат грантлари ва 90 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар республика тиб-

(Давоми 2-бетда)

Суд жараёни бошланди

Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Президент ва бошқа давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш, конституциявий тузумга қарши қўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланувчи йигирма икки нафар шахсга нисбатан очиқ суд жараёни бошланди.

Суд мажлиси Олий Суд Раисининг биринчи ўринбосари А. А. Полвон-зода раислигида, Олий Суд судьялари Р. А. Акбаров ва Қ. И. Исаров таркибида олиб борилмоқда. Давлат айбловини қўллаш учун Адлия катта маслаҳатчиси Б. А. Зоҳидов ва Н. М. Бобоев, судланувчиларни ҳимоя қилиш учун эса 20 нафар адвокатлар қатнашмоқда.

Суд мажлисида мамлакатимиз ва кўпгина чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек элчихоналарнинг масъул ходимлари ҳам иштирок этмоқдалар.

Суд жараёни давом этмоқда.

(ЎзА)

Исроиллик тадбиркорлар Фарғонада

Исроил давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Ноах Гал Гендлер бошчилигидаги бир гуруҳ исроиллик тадбиркорлар делегацияси Фарғонада бўлди. Исроилнинг энг кўзга кўринган «Зераим Гедра», «Нефатим», «Эйнаб» фирмаларининг етакчи вакиллари Фарғона вилояти билан Исроил тадбиркорлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш режаларини билдирдилар.

Шунингдек, буғдой ва турли хил сабзавот навларининг сара уруғларини Фарғона шароитида экиб парваришлаш хусусида фикрлар айтилди. «Эйнаб» фирмаси эса Фарғонада чорвачиликни ривожлантириш, сут, гўштни қайта ишлаш соҳасида ўз лойиҳаларини таклиф қилди. Мулоқотлар амалий, ишчанлик вазиятда ўтди.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Президентга «Юлдуз»ни совға қилди

Мадад бобо Шойқулов сурхондарёлик фермер. Бугунги кунда фермерларга берилган кенг имкониятлардан кўнгли тоғдай ўсиб, ҳалол меҳнат билан обрў топаётган инсон.

Кеча, 2 июнь куни Мадад бобо Юртбошимизга «Юлдуз» номли отни совға қилди. Мустақиллигимиз билан тенгдош саккиз ёшга тўлган от Алпомишнинг Бойчибориданй учқур, гўзал.

— Президентимизнинг умрлари узоқ бўлсин, эл-юрт учун жон куйдириб ишлайдиган доно раҳбаримизнинг омадини Оллоҳ ҳамиша баланд қилсин, — дейди Мадад бобо. — Мамлакатимиз раҳбари Оллоҳ ёрлақаган инсон. У киши ўз халқини жондан севади, эъзозлайди.

Юртбошимизга берилган совғани қабул қилишда Президент девони масъул ходими А. Холматов иштирок этди.

Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Навбат ўн олтинчисига

Яқинда таниқли рассом Л. Ибрагимовнинг шахсий кўргазмасидан элликта асари Германияда намойиш этилди.

— Бу менинг Европа давлатларида намойиш этган кўргазмаларимнинг ўн бешинчисидир, — дейди рассом.

Хорижлик мухлисларга қайси асарларингиз кўпроқ манзур бўлди, деган саволимизга у «Атлас кийган қизлар», «Сўқоқ қизлари», «Водий даласи» каби расмларини айтди. Бу бежиз эмас. Негаки, бу асарларда миллийлик ўз ифодасини топган.

Қисқаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси Л. Ибрагимов Ўзбекистон тасвирий санъатини жаҳонга танитишда катта ҳисса қўшмоқда.

Навбаҳор БОБОҚУЛОВА

Швейцарияга, Голландияга... Қашқадарё толаси

Бугунги кунда Ўзбекистон пахта толаси дунёга машҳур бўлиб бормоқда. Бу толанинг арзонлигидан эмас, балки сифатлилигидандир. Яқинда хабар келдики, «Қашқадарёдавпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли корхоналар май ойида хорижга пахта жўнатиш режасини бажаришибди. Улар Буюк Британия, Швейцария, Голландия, Бельгия, Австрия, Россия каби мамлакатларга ўтган йил ҳосилидан қарийб 116 минг тонна сифатли пахта толаси жўнатишганини мамнуният билан айтишди.

Учқун СУЛТОНОВ

Ғаллаорол фарзанди Россия академиги

Ғаллароллик Серго Шодмонов Россия Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. Олим раҳбарлигида амалга оширилган қорамолларнинг маҳсулдорлигини олдиндан аниқлашнинг янги генетик услубияти яратилгани уни шу юксак унвонга сазовор этди.

— Бундай зотли моллар хориждан 10-12 ҳисса қимматга олиб келинади, — дейди академикнинг дўсти Ғаллаорол туман деҳқон-фермер уюшмаси раиси Усмон Тожиев. — Агар республикада академикнинг илмий изланишлари ҳосиласи тўлиқроқ жорий этилса чорвачиликни кескин ривожлантириш имкони бўлади. Ҳозирдан Ғаллаорол агрофирмасида 400 бош сигирни академик кўрсатмалари асосида парваришланмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Тинчлик учун барчамиз масъулмиз

Урф-одатлари, дини, ўтмиши бир бўлган ўзбек ва тожикнинг бугунги ҳаётини, келажагини ҳам ажратиб бўлмайди. Шунинг учун ўзбек халқи, ўзбекистонликлар қўшни тожик халқининг тинч, фаровон турмуш кечиришларидан манфаатдор эканликларини ҳеч ким инкор қила олмайдиган ўқ илдизи, минглаб ришталари бор. Ҳар бир ўзбек кишиси, ҳар бир ўзбек оиласининг бу диёрда кейинги йилларда юзага келган миллий ноҳакликдан кўнгли безовта.

Очиғини айтганда, яқиндагина оммавий ахборот воситалари орқали Афғонистонда уруш ҳаракатларининг сўниб боратганлиги, Тожикистонда тинчлик ўрнатиш борасида Бирлашган тожик мухолифатининг ҳукумат билан қатъий музокараларга киришишга бел боғлаганини эшитиб кўнгиллар анча таскин топган эди.

Аммо... яна ўша оммавий ахборот воситаларининг берган хабарига кўра Бирлашган тожик мухолифати раҳбари Саид Абдулло Нурий томонидан ҳукумат олдига қўйилган янги талаблари ультиматум тарзида бўлиб, миллий ярашиш Комиссиясининг ишини боши берк кўчага келтириб қўйди, мухолифат ҳукумат олдига қўйилаётган талаблар бажарилмаган тақдирда Комиссия ишини тўхтатишини очиқ билдирган.

Бирлашган тожик мухолифатининг **биринчи талаби** — ҳукумат таркибидан 30 фоизлик ўрин сўралмоқда, шунингдек ушбу фоиз миқдорида барча маҳаллий, бошқарув, дипломатик ва бошқа тизимлардан, чет эл ваколатхоналаридан ўрин талаб қилинмоқда. Оддий қилиб айтганда, бугунги кунда ҳал қилиб бўлмайдиган, чуқурроқ мулоҳаза юритилса, ҳокимиятнинг турли поғоналарида кўпроқ ўз одамларини бўлишига эришиш шартларини қўймоқда.

Саид Абдулло Нурийнинг **иккинчи талаби** — ҳукумат таркибига, мудофаа вазири лавозимига ўз вакили — талончилик урушларида чиниққан ҳарбий бош қўмондони Мирзо Зиёевни тайинлашни талаб қилиб чиқди.

Масаланинг бундай кўндаланг қўйилиши ҳар қандай раҳбарни ўйлантириб қўяди, албатта. Нега энди айнан шу лавозим талаб қилинмоқда? Айнан қуролли кучлардаги раҳбарлик лавозимини даъво қилишдан мақсад нима? Ахир, ярашиш, миллий тотувликдан муддао фақат ҳарбий кучларга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлса, унда тинчлик, фаровонлик ҳақидаги сўзлар қиммати қаёқда қолади? Миллий ярашишда бундай йўлга борилмаслигини Саид Абдулло Нурий билмайдими?

Учинчи талаби — мухолифатнинг 93 та аъзосини қамоқдан озод қилиш. Энди, ўзингиз ўйланг, бундай масала мустақил мамлакатда қонунлар доирасида амалга оширилиши керакми ёки мухолифат ё бўлмаса истаган бир гуруҳ одамнинг талаблари қонунга итоат этмаслик, уни бузиш учун асос бўлаверадими?

Огоҳликка даъват

Мухолифатнинг тўртинчи талаби — зудлик билан парламент сайловларини ўтказиш. Бундан мақсад, Тожикистондаги ҳозирги иқтисодий танглиқдан фойдаланиб, одамлар ўртасида янги нифоқларни келтириб чиқаришдан бошқа нарса эмас. Ҳозирги аҳволда сайлов ўтказилиши Тожикистонда кескин номутаносибликни, уртўполонни келтириб чиқариши кундай равшан.

Яна бир жиҳати мухолифат Тожикистондаги ҳозирги иқтисодий шароитда ҳомийлари ва раҳнамолари «инъом» этаётган «садақа»ни аямай сарфлаб муҳтож одамларни осонликча ағдариб олмоқчи.

Хўш, тожик мухолифати орқасида турган ҳомийларнинг ниятлари нима? Маълумки, у ёки бу давлатда ҳокимиятнинг кучсизланиши, бошбошдоқлик ўз навбатида қонунларнинг ишламай қолишига, вазиятнинг қўлдан чиқиб кетишига олиб келади. Бундан

(Давоми 2-бетда)

Ватан хоинларига

Памфлет

Она юрт — Ўзбекистоннинг муборак заминида пишиқчилик бошланди. Оппоқ маржон доналаридек тизилган марварид тутлар пишди. Уларнинг тоти тилни тарс ёради. Олчалар, гилослар қулоқларига қирмизи сирғалар тақди. Аллақачон, арпаю буғдойлар етилиб, бўлиқ бошоқлари она заминга миннатдорчилик билдириб, эгилиб салом бераётгандек. Дастурхонларимиз янги ҳосилдан тайёрланган бўрсилдоқ, иссиқ нонларга тўлди. Олис тоғлардаги жониворлар, паррандаю-даррандаларнинг ризқ-рўзи кўпайди. Қўй-қўзилар суруви, йилқилар уюрларининг сағринлари офтобда ялтирайди. Дарёлар, сойлар тошқин паллага кирди. Бу юртнинг боларилари тугул ҳатто капалаклари ҳам гулдан бол эмиб, шу тупроқда яралганига шукроналар айтиб яшаса не ажаб. Ахир бу юрт тупроғида тўрт фасл ўз мукаммал кечмиши билан қадим-қадимдан одамзодни ҳайратга солиб келиши сир эмас! Бу тупроқ ўзининг турфа бойлиги, саховатпешалиги билан дўстлар кўзини қувнатиб, душман кўнглида ҳасад уйғотиб келганлиги ҳам ҳақиқат. Ўтган асрлар гувоҳ бунга. Азал-азалдан душманлар қўшин тортган, босқинлар уюштирган, қонли разолатларни келтириб чиқарган. Кирлару Доролар лашкарлари, Искандар қўшинлари, Қутайба сарбозлари, Чингиз нўёнлари, Чоризм жаллодлари мўр-малахдек ёпирилиб келганлар бу юртга. Эл-улусни талаб, муқаддас тупроғимизни топтаб, қуллик занжирини ўзи билан олиб келганлар. Бироқ, бир нарса маълумки, бу ота маконни, она юртни ғаним фақатгина ўз куч-қудрати, қурол-яроғи, тиш-тирноғи билан ололмаган. Улар бу ота маконни, она тупроқни маҳаллий сотқинларга, хоинларга суяниб, уларнинг макр-хийлаларига таяниб босиб олганлар. Ички хоинлик, сотқинлик юз берган юртда халқ кишан кийган. Огоҳ бўлинг, одамлар! Тарих бизга ибрат бўлсин! Хоинларнинг, сотқинларнинг пайини қирқиш кишанни парчалаш билан баробардир!

Хоинлар, сотқинлар ўзларининг очофат нафсларини қондириш, манфур ниятларига эришиш учун ўз тупроғини, Ватанини, миллатини барбод қилганлар. Ва лекин Ватаннинг Йўлбошчилари, оқиллари, ботирлари, баҳодирлари она тупроғини душмандан озод қила олганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг номи абадий шон-шарафга бурканганлир. Хоинлар, сотқинларнинг номлари эса лаънатларга қўмилган. Авлодлар уларни нафрат билан эслаганлар. Боболар набираларига лаънатланганлар тўғрисида эртаклар айтишган. Момолар жаззиларга, уларнинг онгига хоинлардан нафратланиш туйғусини ўз аллалари орқали сингдирганлар. Ватан қолган, Ватан сотилмаган, Миллат яшаган, Халқ яшаган, улар сотилмаган. Ушбу табаррук заминнинг оддий гиёҳини кимки кўзига суртса, у Ватаннинг чин фарзандидир. Кимки бир бино тикласа, у содиқ жигарбандидир. Улар шон-шараф гулчамбарига бурканишларга лойиқлар. Парвозда қанот ҳам ўсади. Ватаннинг фидойи фарзандларининг қанотлари мангу қайрилмаган, қайрилмайди ҳам!

Халқимиз шундай халқки, ҳатто қушнинг ҳам инини бузишни, уясини, маконини тўзгитишни истамайди. Ўз уйининг пештоқидан жой беради. Ҳа, биз ана шундай пойдор халқмиз, миллатмиз. Таъбир жоиз бўлса, битта торгина уяга минглаб чумоли жойлашади, ҳаёт кечиради, она заминдан ўз ризқ-рўзини териб, тинч-тотув умр кечиради. Агарда уларнинг ини йўлнинг ўртасида бўлса, уни босиб ўтмасдан четлаб ўтадиган халқимиз бор. Ҳеч бир жонзотнинг тинч-тотувлигига дахл қилишга одатланмаган халқмиз.

Аслият ҳам аслида шундай. Инсоннят умумбиродарлик қадр-қиммати билан тирикдир. О-о-о, инсон боласи, азал-абаднинг тарозусига суяниб яшаб қолавермас экан, унинг юрагида эзгулик ва ёвузлик — икки қутб кураши мавжуд экан.

Тарих — ибрат мактаби. Бу мактабдан дарс ололмаганлар, сабоқ ўқиёлмаганлар ҳамиша мағлубдирлар. Кимки ота-онасига, қариндош-уруғига қўл кўтарса, у ўз киндик қони тўкилган заминга, Она Ватанига, Ота маконига қўл кўтарган бўлади. Бу ўз тупроғини топташдир. Ё раб! Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз ўғли Ҳумоюнга: «Мен сизларни Ватансиз эттим, аммо лекин Ватанга қилич кўтариб борманглар, мени норизо қилманглар!» — дейди. Мана Ватаннинг улуғлиги, муқаддаслиги!

Эй, Ватан хоинлари, эй сиз галалар, кимга қўл кўтардингиз? Қайси тупроқни топтамоқчи бўлдингиз? Қайси озодликни, қайси ҳурриятни, қайси эркинликни бўғиб ташламоқчисиз? Ўз Ватанингиз, Миллатингиз озодлигинимми? Ким учун, нима учун? Қайси Ватанни, қайси халқни абгор қилмоқчисиз?

Марҳумлар доим тирикларнинг кўзини очиб келган. Аза бўлган уйда бир кун келиб тўй бўлиши шубҳасиз. Ўнни ўлдирган билан мингни ўлдириб бўлмайди, мингни ўлдирган билан элни ўлдириб бўлмайди. Хоинлар учун бу аччиқ ҳақиқат, аммо унутишга ҳаққингиз йўқ. Англанг: Ватанни ўлдириб бўлмайди, Миллатни ўлдириб бўлмайди, Ҳақни ўлдириб бўлмайди!

Бугунги саодатли кунларимизга кимнинг ҳаваси, кимнинг ҳасади келади. Ҳавас қилганлар юксалади, муродига етади, ҳасад қилганлар паст бўлади, хору зорликка юз тутади: эй сиз, ичи қора, ҳасадгўй, малъун тўдалар, очкўзлик, нафс бандалари, ковак-ковакларда, қора тешикларда ётган қора кўршапалаклар, мунаввар офтобни кўролмаганингиз билан мурод-мақсадларингизга етолмайсиз! Тўрт кунлик келим-кетимли дунёда амал деб, мансаб деб чопганларингиз билан ҳеч нарсага эришолмайсизлар! Падаркушлик қисмати сизга ҳам аён. Аммо, калтабин ақлингиз қадим қисматни англаб етмаса, на чора. Сизларнинг қора номларингиз тарих қатларидаги хоинлар, сотқинларнинг қора номлари кабидир. Эй, Жума Наманганий, Тоҳир Йўлдошлар Ватан, Миллат хоинлари, сенларнинг қора қилмишларинг тавқи лаънатларга учрагай. Келажак авлодлар абадул-абад нафратлаб ўтгай!

Бу юрт, бу ота макон Ўзбекистон Туркистон мустақиллигини бошлаб берган юртдир! Бу юрт, бу муқаддас Ўзбекистон Туронзамин мустақиллигини бошлаган юртдир! Муаззам эзгуликка етаклаган, ёруғ, нурли йўлга олиб чиққан Юртбошимиз ўз исми шарифлари билан Ислом Каримовдир!

Азим СУЮН

1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

биёт олий таълим муассасалари бўйича тақсимлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус тиббий маълумот негизида олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлимларига қобилиятли талабаларни танлаб олиш ва ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш мақсадида:

бир ҳафта муддат ичида «Олий малакали ҳамширалар тайёрлаш тўғрисида Низом» ва тегишли давлат таълим стандартларини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсинлар;

Давлат тест маркази билан биргаликда, 10 кун муддат ичида, абитуриентларни тест синовлари билан бир қаторда амалий кўникмаларини аниқлаш учун зарур касбий имтиҳонлардан ўтказиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқсинлар ва Давлат комиссиясига тақдим этсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

8. Давлат комиссиясига:

абитуриентлар қабули барча учун (ҳам давлат грантлари, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари асосида тест синовлари натижасида тўпланган балларнинг рейтинги бўйича ташкил қилинсин. Бунда энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг биринчи навбатда давлат грантлари бўйича, сўнг қолган абитуриентларнинг белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқлари таъминлансин;

10 кун муддат ичида «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига бакалаврлар тайёрлаш бўйича талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом»га;

тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, тўлов-контракт асосида белгиланган умумий қабул режаси доирасида, қабул кўрсаткичларига зарур бўлган ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

9. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида ўзларига қарашли таълим муассасаларида давлат грантларини ва тўлов-контракт асосидаги бакалавриат ва магистратура бўйича ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

10. Молия вазирлиги 1999/2000 ўқув йилига белгиланган давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага ҳамда олий малакали ҳамширалар тайёрлаш учун қабулни ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратишни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 майдаги 228-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 2 июнь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июндаги «1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

«Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонларини бажариш юзасидан замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини етук педагог кадрлар билан таъминлаш, олий таълим тизимидаги ислоҳотларни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маркетинг изланишлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш мақсадида ҳукуматимизнинг муҳим қарори қабул қилинди.

1999/2000 ўқув йилида бакалавриатга — 43653, шу жумладан, 21839 давлат грантлари ва 21814 тўлов-контракт асосида талабалар қабул қилинади.

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда магистр кадрларни аҳамиятини эътиборга олиб, уларга бўлган эҳтиёжни қондиришда олий таълим муассасаларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда 1999/2000 ўқув йилида 26 та олий таълим муассасасида бакалавриат негизида аниқ мутахассисликлар бўйича магистратурада ўқиш учун 3,0 минг, шу жумладан, 1,2 минг давлат грантлари ва 1,8 минг тўлов-контракт асосида талабалар қабул қилиш режалаштирилди.

Бунинг натижасида мамлакатимизда олий таълим тури бир босқичли тизимдан икки босқичли тизимга ўтиши таъминланади.

Республикамизнинг тиббиёт олий таълим муассасалари қошида илк бор ташкил этилаётган 3 йиллик олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлимларига алоҳида 180 та, шу жумладан 90 та давлат грантлари ва 90 та тўлов-контракт асосида ўринлар ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ўрта махсус тиббий маълумот негизида олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлимларига қобилиятли талабаларни танлаб олиш ва ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш мақсадида аниқ вазифалар берилди. Хусусан, муайян давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, абитуриентларни тест синовлари билан бир қаторда амалий кўникмаларини аниқлаш учун зарур касбий имтиҳонлардан ўтказиш белгиланди.

Жами олий таълим муассасаларига 1999/2000 ўқув йилига 46833 (23129 давлат гранти ва 23704 тўлов-контракт асосида) талабалар қабули амалга оширилади, бу ўз навбатида 1998 йил қабул кўрсаткичларига нисбатан 4833 га кўпдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ушбу қарорга биноан, 1998/99 ўқув йили якунида, олий таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш таълим стандартлари бажарилиши ва ўқиш муддати тугаши туфайли бакалавр кадрларнинг биринчи чиқиши таъминланади. Шунингдек, олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларининг янги давлат намуналари тасдиқланди.

Муддат тугаялти. Қайси

— Шавкат Мирзаевич, яқинда «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Президент Фармони ва «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келишни тартибга солиш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган эди. Шу Фармон ва қарорлардан кейинги ишлар тўғрисида тўхталсангиз.

— Авваламбор шуни айтиш керакки, Ўзбекистон фуқаролигини тасдиқловчи асосий ҳужжат — бу Ўзбекистон Республикасининг паспортидир. Ўзбекистон фуқаролиги деганимизда шахснинг Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилиши, уларнинг давлат ҳокимиятига бўйсуниши, белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажариши, қолаверса, фуқаро ва давлат ўртасидаги ўзаро жавобгарлиги тушунилади.

Энди асосий қилинаётган ишлар масаласига келсак, шуни айтиш лозимки, Тошкент шаҳрида паспорт-виза қоидаларини бузувчи шахсларни аниқлаш ҳамда уй-жой сотиб олишни тўғри йўлга қўйиш мақсадида ҳар куни махсус тадбирлар ўтказилмоқда. Пойтахт ички ишлар идораларининг 800 га яқин ходимлари хусусий ва давлат секторларини текшириш-моқда. Мазкур тадбир давомида ҳозирги кунгача 20 мингдан ортиқ паспорт-виза тизими қоидабузарлари аниқланди.

Хусусий ва давлат корхоналари иш фаолиятини текшириш жараёнида 150 яқин корхона раҳбарлари томонидан фуқароларни иш ва хизматга қабул қилишда паспорт-виза қоидаларининг бузилганлиги аниқланиб, уларга нисбатан ўрнатилган тартибда маъмурий чоралар қўлланилди.

— Шу ўринда шаҳардаги миш-мишларгаям аниқлик киритиб кетсангиз. Эмишки, эгасиз хонадонлар, яъни биров ортиқча пулига уй сотиб олган, лекин у ерда ҳеч ким яшамайди ёки «квартирант» қўйиб қўйган. Шунақа уйлар тортиб олинаётганмиш.

— Шу йил февраль воқеаларидан кейинги Тошкент шаҳрида вужудга келган вазият ва мавжуд бўлган амалиёт шуни кўрсатдики, айрим хонадонлар ойлаб, ҳатто йиллаб эгасиз қолиб кетган, ёки хонадон соҳиблари тез-тез ўзгариб турган. Бу эса ўз ўрнида хонадондан жиноий ниятда фойдаланишга олиб келган. Ушбу хонадонларни текшириш, назоратга олиш ўз навбатида ички ишлар идоралари ходимларининг олдига қўйилган вазифалардан биридир. Бироқ бундай катта ишни амалга ошириш ва назорат қилиш фақат ИИИ ходимлари томонидан бажарилади деб бўлмайди. Давлатимизнинг сиёсий йўналишларидан бири — сиёсий тизимни либераллаштириш, яъни кенг жамоатчиликни паспорт-виза масалаларини ечишга жалб этишдир. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳар ҳокими қарорига биноан жорий йилнинг 13 апрелидан 22 апрелигача пойтахт туманларида маҳалла қўмиталари вакиллари ва фаоллар иштирокида Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидаги мақсад ва топшириқларни муҳокама этиш учун семинар-йиғилишлар ўтказилди. Унда Фармонни ҳаётга татбиқ этишда йўл қўйилган камчиликлар очиб ташланди ва паспорт-виза тизими стратегияси ҳамда тегишли чора-тадбирлар кўриш хусусида асосий йўналишлар ишлаб чиқилди ва яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган тараққиёт йўли белгилаб олинди. Бу биздан аниқ куч ва диққат-эътиборни талаб этади.

Мухбиримиз Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи муовини, милиция подполковниги Шавкат ҲИКМАТОВ ҳузурида

Юқорида айтилган миш-мишларга келсак, улар асоссиз. Барча ишлар қонун доирасида амалга оширилади.

— Ҳозир республикамизнинг деярли барча фуқаролари Ўзбекистоннинг янги паспортига эга бўлишди. Маълумки, бу йил мазкур ишлар охирига етказилади. Демак, Сизларнинг ишингиз янада тиғиз паллага кирган бўлса керак?

— Фуқароларга янги паспортларни бериш ва алмаштириш жараёни 1995 йилнинг январидан бошланган. Бу борада бугунги кунгача бажарилган ишлар 98,6 фоизни ташкил этади.

Шу кунгача фуқароларнинг алоҳида қисми айрим сабабларга кўра ҳужжатларини алмаштирмаганлиги ушбу жараённинг чўзилиб кетишига олиб келмоқда. Улар ўзга давлатларга кўчиб кетиши эҳтимоли бор бўлганлар, фуқароликка мансублиги аниқланмаганлар ва бошқалар.

Жорий йил бу ишда якунловчи йил бўлганлиги сабабли ушбу жараённи 1 сентябрда — Мустақиллик кунида тугалламоқчимиз. Шунинг учун аҳолига юқори савияли хизмат кўрсатиш ва шароит яратиб бериш мақсадида жойларда душанбадан ташқари шанба, якшанба кунларини ҳам ўз ичига олган ҳолда соат 9^{00} дан 21^{00} гача бўлган янги қабул тартиби тасдиқланди.

— Агар шунча муддатдаям янги паспортни олмаган шахслар бор бўлса, улар кейин нима қилишади? Бирор чора қўлланиладими?

— Муддат тугагач, эски паспорт ҳақиқий ҳисобланмайди. Демак, бу шахсда ўз-ўзидан турли муаммолар пайдо бўлади, яъни молиявий масалаларини ҳал этолмайди, юридик ҳаракатлар қилолмай-

Тинчлик учун барчамиз масъулмиз

(Давоми. Боши 1-бетда)

манфаатдор кучларнинг, жумладан, ислом фундаменталистлари ва ақидапарастларининг жамият ҳаётига зид бўлган барча ноқонуний ишлар, талончилик қилишига имконият беради. Наркобизнес ва қурол-яроғ олиб ўтиш ва сотиш учун «коридор» очилади. Ҳомийларнинг мақсади эса айнан шу.

Мана, бир мисол: ҳозир Афғонистондаги ҳокимиятсизликдан фойдаланиб бу мамлакатнинг беқиёс ҳудудларига наша, кўкнори экилмоқда. Улар эса бошқа ҳудудларга сотилмоқда. Маълумотларга кўра, ўтган йили Афғонистон-Тожикистон чегарасида 135 та қонунбузарлик контрабандистлар томонидан содир этилган, 250 дан ортиқ киши ушланган. Бир тоннадан ортиқ наркотик моддалар, жумладан, 1,7 килограмм героин қўлга туширилган.

Бугун маблағ билан таъминлаб, Бирлашган тожик мухолифатини рағбатлантираётган ҳомийлар эртага бу пулларни ўн, юз ҳисса қилиб қайтариб олишни кўзламоқдалар, бу уларнинг стратегик мақсадларидан биридир. Ҳомийлар ана шундай катта фойда учун ўзларининг ноғорасига ўйнайдиган кимсалардан, ақидапарастлардан, ҳокиматга қарши кайфиятда бўлган ҳар қандай мухолифатдан «унумли фойдаланиш»га тиш-тирноғи билан уринадилар.

Саид Абдулло Нурий бошчилигидаги Бирлашган тожик мухолифати ҳомийлар ноғорасига ўйнаб мамлакатни қонга ботирадими ёки ҳукумат билан яраши йўлига ўтадими? Ёки катта хатога йўл қўйиб авлодларнинг нафратига учрайдими?

1999 йилнинг 16 февраль воқеаларининг яралари битмай туриб, биқинимизда юзага келган вазият ҳар бир онгли инсонни ташвишга солади.

Яқинда чет эл оммавий ахборот воситалари ақидапараст Жума Намангоний бошлиқ илон уясидаги хунрезлик ҳақида фожиали хабарни берди. Мазкур иш бўйича шуғулланаётган тожик қўшма комиссияси раҳбари Муҳаммаджон Искандаров маълумотларига кўра, ўзбекистонлик ёш йигитлар асосан «тижорат қилиш» мақсадида Андижон, Қирғизистоннинг Ўш вилояти орқали Тожикистоннинг Ҳайит ҳудудига алдаб олиб кетилган.

Ўзларини «ислом лашкарлари» ҳисоблаган Жума Намангоний, Тоҳир Йўлдош каби муртадларнинг минтақада қўпорувчилик орқали вазиятни бузишдан, амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига тўсқинлик қилишдан мақсадлари ҳам фақат ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб ҳаром пул топишга ва хайр-садақа қилиб турган раҳнамолари кўмагида ҳатто ҳокимиятни эгаллашга қаратилганлиги сир эмас. Аслида Ўзбекистонда ислом қадриятларини тиклаш учун ҳеч қандай «лашкар»нинг кераги йўқ.

Маълумот учун: мустақилликдан аввал Ўзбекистонда 80 та масжид фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир уларнинг сони 4000 тадан ортиқ, ўндан ортиқ мусулмон ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Яқинда Президентимиз Фармонига биноан Тошкентда Ислом университети ташкил этилди. Ислом қадриятларини ўрганиш, ҳадисшунос аждодларимиз руҳи-поклари шод айлаш учун бугун Шарқ дунёси Самарқанду, Бухорони зиёрат қилмоқдалар.

Диний эътиқодлари, дунёқарашидан қатъи назар фуқароларнинг озод ва эркин яшашлари, меҳнат қилишлари, ўқишлари учун кафолатни таъминлаб берган, ҳақли равишда фахрланадиган дунёвий давлатга эгамиз.

Маълумки, давлат тизими халқнинг асрлар давомида шаклланган давлатчилик тарихи асосларига умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашган ҳолда қурилади. Кўхна тарих Марказий Осиё халқлари ўтмишида бу ерга ислом дини кириб келгунча ҳам, ундан кейин ҳам дунёвий давлатлар бўлганлигидан сабоқ беради. Эрамиздан аввалги Бақтрия, Хоразм давлатлари, III — V асрлардаги Кушонлар, Эфталитлар, ўрта асрлардаги Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар даврида ҳам давлатимиз дунёвий бўлган. Амир Темур давлати ўрта асрларнинг энг қудратли дунёвий давлати эди. Шунинг учун ота-боболаримиз анъаналарига, халқимиз руҳиятига, маънавиятига, бошқарув усулларига зид бўлган ҳар қандай ҳаракатлар халқимиз ва кенг жаҳон ҳамжамияти томонидан қатъий қаршиликка учрашиши аниқ.

Коммунистик фундаментализмнинг асоратидан елкаси яғир бўлган халқ, энди иккинчи фундаментализмга — ислом фундаментализмининг ёйилишига йўл қўймайди. Ҳар қандай кўринишда бўлмасин фундаментализм тараққиётга фақат тўсқинлик қилиши маълум.

Инсоният XXI асрга илдам қадамлар билан кириб бораётган вақтда, ўрта асрларга хос қароқчилик йўлини тутган кимсаларнинг тақдири аниқ. Энг ахмоқона йўлни танлаган ақидапараст Тоҳир Йўлдош, Жума Намангонийлар ҳозир ИНТЕРПОЛ томонидан қидирилмоқда. Тоғ-тошлар орасида бир амалаб яшириниб юрган бу ватангадолар куни битганини ўзлари ҳам сезишмоқда.

Лекин бошқа бир нарса юракни ўртайди. Фарзандни дунёга келтириб, тарбиялаб, ўқитиб энди роҳатини кўрадиган бир вақтда нега айрим ота-оналар фарзандларини бундай баттоллар қўлига бериб қўйишди?! Бунинг бош айбдори ота-оналарнинг ўзлари эмасми? Фарзандларини назоратсиз қолдириб, кўчадан «тижорат» йўли билан мол топиб келишга йўл қўйиб берган, «кўки»дан топиб келганда пешонасидан ўпган, «диний таълим олаётгани»дан фахрланган ўзлари эмасми? Ҳозир қаерда улар, кимларнинг қўлида, кимларга таҳорат учун обдаста ушлаб юрибди? Жиғатолда бошлари таналаридан жудо қилинган ёш ўсмирлар кимларнинг болалари?

Бепарволик ҳам шунчалик бўладими, қолаверса, минтақада, мамлакатимизда тинчлик-хотиржамлик бўлиши ҳар биримизнинг ҳар дақиқалик ҳаракатларимизга ҳам бевосита боғлиқ эканлигини унутиб бўлмайди.

Норқўзи ҚУВВАТОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

Ғалла карвони йўлга тушди

Бу йил Жарқўрғон туманидаги Тўхта Шобуров номли жамоа хўжалиги ғаллакорлари янги мавсумни биринчилардан бўлиб бошлаб беришди. Мазкур хўжалик деҳқонлари ушбу йилда 900 гектар майдонга пахта, 740 гектарига эса «Юна» навли буғдой уруғини экишди. Экинни меҳр билан парвариш қилишди. Натижада мўл ҳосил етиштиришди. Олтин бошоқлар пишиб етилди. Айни пайтда хўжалик далаларида ғалла ўрими қизғин бошлаб юборилди.

Жорий йилда ғаллакорлар 2960 тонна ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш ва шундан 1924 тоннасини давлатга сотишни кўзда тутишмоқда. Ҳозир 2 та «Кейс» ва 4 та «Нива» комбайнларидан унумли фойдаланилмоқда. Янги мавсумнинг дастлабки кунидаёқ 70 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 35-40 центнердан ҳосил олинди.

Суратларда: 1. Хўжалик комбайнчиси Бахтиёр Махсумқулов, бош ҳосилот Шерали Шоназаров, ижарачи Муҳаммади Эшқувватов, Эшдавлат Алиқулов ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Абдуллаев ўрим мавсуми ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

2. Хўжалик далаларида ғалла ўрими пайти.

Искандар ХУЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Халқ билан ҳамнафас

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Балиқчи туман партия ташкилотининг иккинчи конференциясида тингланган ХДП туман кенгаши ва тафтиш комиссиянинг маърузаларида ҳамда музокараларда қатнашган партия фаоллари нутқларида ҳисобот даврида қилинган ишлар чуқур таҳлил қилинди. Конференцияда партия ташкилотлари фаолиятларининг кейинги йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари, Президентимиз асарлари, маърузалари, ҳукуматимиз томонидан юритилаётган ислоҳотлар моҳиятини оммага етказишда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида фикр юритилди.

Делегатлар томонидан келажагимиз ворислари бўлган ёшлар тарбиясига жиддий ёндошиш, йигит-қизларни ижтимоий-иқтисодий муаммоларни чуқур ўрганишга ҳамда уларни оқилона ҳал этишга тайёрлаш, айниқса, улар ўртасида ишсизлик даражасини камайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш асосида қўшимча ишчи ўринларини ташкил этиш борасида туман партия кенгаши ўз фаолиятини жонлантириш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Партиямиз мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бевосита иштирок этаётганлиги натижасида, кейинги йилларда, туманда партия ташкилотларининг сони кўпайиб, ХДПга хайрихоҳ бўлган, ўз ҳаётини партия билан боғлашни хоҳловчилар сони тобора ўсмоқда. Ўрмонбек қишлоғида яшовчи фермер Набижон Акбаров оиласидан 14 киши ХДП сафларига қабул қилинган. Яқинда тумандаги «Голландия» фермер хўжалиги раиси Фозилжон Саидазимов меҳнат жамоаси аъзолари билан ўзаро фикрлашиб, бутун жамоа билан партиямиз сафларига қабул қилишни сўраб ариза бердилар. Бу меҳнаткаш халқ вакилларининг бизнинг партиямизга бўлган ишончи намунасидир.

«Мен Яратганнинг иноятн билан Каъбатуллоҳни зиёрат қилиб келиш бахтига муяссар бўлдим. Маккада шу нарсанинг гувоҳи бўлдимки, ҳаж зиёратига келганларнинг барчаси дунёнинг турли чеккаларидан. Уларнинг миллати, ирқи ҳам турлича. Мусулмончилик, маълумки, миллат ва ирқ танламайди. Кўз ўнгимиздан яқин ўтмишдаги ҳаётимизнинг манзаралари ўтди. Халқ демократик партияси халқчил ва халқпарвароқ эканлигига амин бўлдим. Мана, мен шу партия аъзосиман. Биров менга ҳаж зиёратига боришимга тўсқинлик қилгани йўқ, аксинча, партиядошларим зиёратимни йўқлаб-кутлашди. Бундай имкониятга Ватанимиз мустақиллиги — истиқлол шарофати ила эришдим», — дейди меҳнат фахрийси Анвар ҳожи Саидов.

Конференцияда вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси М. Шамсибоева, туман ҳокими О. Абдураҳимовлар нутқ сўзладилар.

Ўзбекистон ХДП Балиқчи туман кенгашининг ташкилий пленумида Ф. Турғунова унинг биринчи котиби этиб сайланди.

(Ўз мухбиримиз)

Ёруғ юз билан...

Бу йил пиллачилик соҳасида анчагина қийинчиликлар содир бўлди. 21-22 апрель кунги совуқдан тутзорларнинг шикастланганига қарамай наманганлик пиллачилар ҳосилдорликни пасайтиришмади. Ҳар қути уруғ ҳисобига 57 килограммдан пилла етиштирилди. Қабул пунктларига 2009 тоннадан ортиқ хомашё жўнатилди. ХДП вилоят ташкилотлари оталиқ соҳага чинакам кўмаклашдилар.

Шартномавий режани вилоятда биринчи ўринлатган Тўрақўрғон, Наманган, Норин туманлари пиллакорлари мавсумни яхши натижалар билан якунладилар. Вилоятда пилла териш ва топшириш давом этмоқда. Яна 600 тонна «кумуш тола» тайёрлаш имкони мавжуд.

Янги ҳосилдан ипак ишлаб чиқаришга киришилди. Уйчидаги «Ипакчи» ва «Наманган ипаги» корхоналари ишчилари дастгоҳларида иш қизғин.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Пилла—99

Ҳосил зиёда бўлди

Бухоро вилояти пиллачилари қабул маскачларига 1985 тоннадан зиёд юқори сифатли «кумуш тола» топшириб, шартнома режасини ошириб бажардилар. Когон, Олот, Жондор, Қоракўл, Пешку, Ромитан, Бухоро, Вобкент туманларида ҳосилнинг асосий қисми аъло навларга сотилди. Матлуба Одилова, Интизор Тошева, Ҳалима Ҳайдарова, Матлаб Муродова, Гулландом Очилова, Каромат Субҳонова сингари ўнлаб ипак тола усталари ипак қурти уруғининг ҳар қутисидан 80-100 килограммдан ҳосил олишди.

Вилоят пиллачилари ялпи ҳосил салмоғини 2300 тоннадан оширишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жисмоний тарбияга бағишланди

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида спорт журналистларининг ўзига хос йиғилиши бўлди. Бу сафарги йиғилиш куни-кеча эълон қилинган республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига бағишланди. Мазкур қарорнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз борди. Хусусан, миллатимиз саломатлиги, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бўш вақтни мароқли ва мазмунли ўтказиш, шахс жисмоний маданиятини юксалтириш, айни пайтда жисмоний тарбия билан шуғулланиш ҳар бир фуқаро учун онгли эҳтиёжга айланиши зарурлиги ҳақида фикр юритилди. Айниқса, қишлоқ жойларда жисмоний тарбия ва спортга кўпроқ аҳамият бериш, оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш, бунинг учун мавжуд спорт иншоотларидан унумли фойдаланиш кераклигига эътибор қаратилди. Йиғилишда республика Президенти Девонининг масъул ходимлари М. Аҳматов, С. Остонов, спорт қўмитаси раиси Б. Маҳситов, миллий олимпия қўмитаси раиси С. Рўзиев журналистлар саволларига жавоб бердилар.

Мирзо АНВАР

паспортда юрибсиз?

ди, ўз фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини давлат идоралари билан боғлай олмайди. Бундан ташқари янги паспорт олмаган шахсларга нисбатан ўрнатилган тартибда маъмурий чоралар ҳам кўрилади.

— ***Дейлик, Ўзбекистон фуқароси бундан 2-3 йил аввал ўзга республикага ўқишга ёки вақтинча ишга кетди ва албатта у ёққа пропискадан чиқиб кетади. 5 ё 6 йилдан сўнг қайтиб келди, дейлик. Унинг паспорт олиши ва рўйхатга ўтиш масаласи қандай бўлади? Ўзбекистон фуқаролигини қачон қабул қилади? Ишга жойлашиш масаласи-чи?***

— Жавобимни охирги саволингиздан бошламоқчиман: доимий ишга қабул қилиш шартномаси фуқаро билан фақат доимий пропискаси бўлгандагина тузилади.

Ўзбекистон Республикасидаги ҳар бир шахс фуқаролик паспорти олишга ҳақлидир. «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ижтимоий келиб чиқишидан, миллати ва ирқидан, жинси, маълумоти, тили сингари ҳолатлардан қатъи назар ҳар қандай фуқаро, жумладан, чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахслар республика фуқаролигини қабул қилишлари мумкин. Бунинг шартлари қуйидагилардан иборат:

а) чет эл фуқаролигидан воз кечиш;

б) сўнгги 5 йил давомида Ўзбекистонда истиқомат қилган бўлса;

в) қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;

г) Ўзбекистон Конституциясини тан олиш ва бажариш.

«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун чиққунига қадар (1992 йил, июль) Ўзбекистонда доимий истиқомат қилган фуқаролар ушбу қонунга асосан республика фуқаролари ҳисобланади. Агар республикада истиқомат қилувчи шахс қонун чиққунга қадар рўйхатдан чиқиб, чет элга кетган бўлса, қайтиб келгач, республика фуқаролигига мансублиги қайта тикланиши учун ҳужжатлар асосида исботлаб берилиши лозим. Агар қонун чиққандан сўнг чет элга кетган бўлса, у Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади. Бу ҳолда фуқаро қайтиб келиши билан қонуний тартибда Ўзбекистон фуқароси эканлигини тасдиқлаши лозим, тасдиқлай олган тақдирда унга фуқаролик берилиб, паспорт билан ҳужжатлаштирилади, тасдиқлай олмаса, ўрнатилган тартибга кўра яшаш гувоҳномаси берилади.

Рўйхатга олиш борасидаги саволингизга жавобан шуни таъкидлаб ўтмоқчиман: Президент Фармонига ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 апрелдаги 178-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг шу йил 27 апрелдаги 221-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар ҳокимлигида махсус комиссия тузилган. У чет эл ва МДҲ фуқаролари, фуқаролиги йўқ шахслар ҳамда республиканинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган фуқароларнинг Тошкентда доимий истиқомат қилиши учун қолдириш масаласини кўриб чиқади.

— ***Қоида бўйича рўйхатга қўйиш муддати 3 кун. Шу хусусда ҳам...***

■ *20 мингдан ортиқ паспорт-виза қоидабузарлари аниқланди.*

■ *Миш-мишларга асос йўқ.*

■ *Муддат тугагач... эски паспорт ҳақиқий ҳисобланмайди.*

■ *Бозорларда тартиб бўлади*

— Ҳақиқатан ҳам. пойтахтга келган чет эл ва МДҲ фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, республиканинг турли ҳудудларидан келган фуқаролар 3 кун мобайнида жойларда рўйхатдан ўтишга мажбурдирлар. Кириш визаси билан Ўзбекистонга ташриф буюрган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар визасида кўрсатилган муддатга вақтинчалик рўйхатга ўтадилар. Бунинг учун жойлардаги ИИБга мурожаат этишлари лозим.

МДҲ ва республикамизнинг турли ҳудудларидан келган фуқаролар вақтинча — 6 ой муддатгача рўйхатга олинадилар.

— ***Пойтахтнинг Отчопар, Янги-Обод, Ўрикзор сингари катта-катта бозорларида вилоятлардан келиб 6 ой, 1 йилдан буён тижоратчилик билан шуғулланаётганлар кўп. Уларнинг пропискаси қандай ҳал этилмоқда?***

— Афсуски, Тошкент шаҳрида жойлашган айрим бозор ва савдо мажмуаларида раҳбарларнинг совуқконлиги ҳамда жавобгарликни ҳис эта билмагани туфайли ташқаридан келувчи фуқароларнинг, масалан, Отчопар савдо нуқталарида тўпланишига олиб келди. Бу эса ўз ўрнида паспорт-виза тизимининг бузилишига, ишнинг қийинлашувига сабаб бўлмоқда. Тижоратчилик юмуши билан бу ерга келган фуқаролар ҳам 3 кун давомида рўйхатдан ўтишлари шарт. Рўйхатдан ўтишни хоҳламаган фуқаролар эса 7 кун мобайнида шаҳарни тарк этишлари лозим.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига биноан савдо шахобчалари ва бозорларда тегишли тартиб ўрнатилмоқда. Мустақил давлатимизнинг ягона ҳуқуқий тизимини яратиб, ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши, бу ҳуқуқлардан фойдаланишга эса етарли шарт-шароит яратиб бериш бизнинг мақсадимиздир. Зеро, юртбошимиз айтганидек, «қачон фуқаролар ҳуқуқ ва озодликларининг ҳимоя этилишини таъминлай олгандагина жамият ҳуқуқий, ҳақиқий фуқаролик жамияти бўла олади».

Алимқул СУЛТОНОВ суҳбатлашди.

Фармон ва ижро

«Техника» ўйланмаси

Азиз муштарий! Қуйида таърифланган сўзларни шаклда занжир ҳолида ёзиш билан машқни ҳал этинг.

1. Тракторнинг туташ занжирсимон қисми 2. Бир неча машинадан таркиб топган мураккаб қурилма . 3. Шаҳар электр транспорти тури. 4. Юкни ўзи ағдарадиган автомобиль. 5. Кўп қаватли биноларга ўрнатиладиган юк қўтариш қурилмаси. 6. Электр зарядининг ўтказгичдаги оқими. 7. Автомобилнинг очилиб ёпиладиган устки қисми. 8. Ток кучини ўзгартирадиган қурилма. 9. Двигателдаги сувни совитувчи асбоб. 10. Электр занжирида қисқа туташув содир бўлганда токни чекловчи қурилма. 11. Ёруғлик манбаидан келаётган нурларни ботинқи юза, ёруғликни акслантирувчи асбоб. 12. Мураккаб жараёнларни амалга оширишда фойдаланиладиган механик «одам». 13. Электрон лампа тури. 14. Автомобилни бир оз кўтаришда фойдаланиладиган қурилма. 15. Электр алоқа тури. 16. Суюқлик, газ кабиларни сўриб оладиган қурилма. 17. Ички ёнув двигателини ҳаракатлантиришда ёрдамчи механизм. 18. Электр симларини девор бўйлаб мустаҳкамлаш учун ишлатиладиган изолятор. 19. Экин қатор ораларига ишлов беришда ишлатиладиган қишлоқ хўжалиги техникаси. 20. Ток кучини ва кучланишини ўзгартирадиган асбоб. 21. Юкларни тўхтовсиз узатувчи қурилма. 22. Машинанинг барча бўлаклари ўрнатиладиган қисми. 23. Техниканинг ўз-ўзидан ишлайдиган қурилмаларни яратиш ва такомиллаштириш соҳаси. 24. Кўп ўринли автомобиль. 25. Самолёт, ракета кабиларнинг ҳаракатини барқарорлаштирадиган асбоб. 26. Қўлёзмалар нусхасини кўпайтирувчи қурилма. 27. Маълум асбобларни электр токига улаш мосламаси. 28. Электрод. 29. Қувватнинг бирор турини механик қувватга айлантирадиган механизм.

Энди қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси жавоб сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) жавоблар асосида ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг.

1-8, 4-6, 5-4, 6-2, 8-9, 9-7, 12-3, 13-3, 15-3, 17-1, 18-2, 27-3, 29-8, 19-6, 29-9.

Унда мамлакатимизда ривожланаётган саноат турларидан бири аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

«Фарзандим — дилбандим» ўйланмасининг жавоблари

Очқич сўзлар:

1. Меҳрибонлик. 2. Савоб. 3. Эрур. Яхши. 4. Чу одат. 5. Fам. 6. Фарзанд. 7. Уй. 8. Кўнгли. 9. Қандим.

Ҳикмат:

Фарзанд эрур давлат боғига ниҳол,
Ундан кулиб боқар бахт ила иқбол.
Қолдирса агар у яхши деган ном,
Эл ичра обрўйи ошар батамом

Қўшинлар чиқарила бошланди

Бугун Жанубий Ливаннинг исроилпараст армияси қўмондони Антуан Лахад муҳим стратегик ҳудуд Жеззиндан қўшинларни олиб чиқиш бошланганини маълум қилди. Лахаднинг сўзларига кўра, Хизбиллох экстремистик гуруҳлар томонидан қўпорувчилик ҳаракатлари тез-тез содир этилаётганлиги сабабли Жанубий Ливан армиясининг бу ҳудудда туриши мумкин бўлмай қолган. Исроилнинг янги сайланган Бош вазири Эҳуд Барак Исроилнинг ва иттифоқчиларнинг барча кучларини бир йил мобайнида — Ливан билан Сурия ўртасида тинчлик шартномаси тузилгани шарафига Жанубий Ливандан олиб чиқиб кетилишини таклиф этди.

Кредит битими имзоланди

Душанба куни эрталаб Жаҳон банкининг Озарбойжонга 7,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит бериши тўғрисида ҳукуматлараро кредит битими имзоланди, деб хабар қилди ҳукумат матбуот хизмати.

Битимни Озарбойжон Бош вазири Артур Расизода ва 29 майдан буён минтақада биринчи танишув сафарида юрган Жаҳон банки Президенти Жеймс Вулфенсон имзоладилар.

Снаряд портлади

Эстониянинг Аэгна оролида замбарак ўқи портлаши натижасида 14 ёшли ўқувчи қиз ҳалок бўлди ва олти нафар ўқувчи яраланди.

Ушбу ҳодиса Таллиндаги мактаб ўқувчиларининг Аэгна оролига саёҳати чоғида содир бўлди. Ўқувчилар оролдаги эски биноларнинг биридан замбарак ўқи топиб олган, лекин унинг нима эканлигини хаёлига ҳам келтирмай, ёниб турган гулхангга ташлаган.

Сополлар кўргазмаси

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида сопол ва чинни маҳсулотларининг халқаро кўргазмаси очилди. Унда Хитой, Сингапур, Жанубий Корея, Япония, Австралия, АҚШ, Франция, Германия, Италия ва Испания корхоналари иштирок этмоқда.

Кўргазма доирасида сопол ва чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиялари бўйича анжуман ҳам ўтказилади.

Ишсизликнинг баланд чўққиси

Шу йили апрель ойида Японияда ишсизлик даражасининг 4,8 фоизлик кўрсаткичи сақланди. Бу рақам сўнгги 46 йил мобайнида энг катта кўрсаткич ҳисобланади.

Айни пайтда Японияда меҳнатга лаёқатли 3,42 миллион фуқаро ишсиз қолган. Жумладан, апрель ойида олий ўқув юртларини тугаллаган 230 минг нафар фуқаро ҳам иш излаш билан овора.

Вагонлар рельсдан чиқиб кетди

Россиянинг Липецк шаҳридан 40 километр узоқликдаги Патриарший темир йўл станциясида темир рудаси ортилган 15 та вагон рельсдан чиқиб кетди. Бахтли тасодиф туфайли қурбонлар йўқ. Ҳозир станцияда ҳаракатни тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Фалокат сабаблари ўрганилмоқда.

(ЎзА)



Мўъжизакор Япония

Телевидение дастури берилмайдиган бўлди

Россия жамоат телевидениеси (ОРТ) дастури бундан буён Туркманистон газеталарида рус тилида ҳам, туркман тилида ҳам чоп этилмайдиган бўлди. Республика Президенти Сапармурод Ниёзов шундай оғзаки фармойиш берди.

У ўтган ҳафта охирида «газеталарни чиқаришга расмиятчилик билан ёндошгани, саёз, мазмунсиз мақолалар чоп этгани, зарур даражада муҳаррирлик назорати йўқлиги» сабабли умуммиллий газеталарнинг уч муҳаррири, шунингдек матбуотга жавобгар бош вазир ўринбосари уч ой муддатга иш ҳақидан маҳрум этилганини эълон қилган эди.

РИА «Новости»даги мавжуд хабарларга кўра, Президентнинг норозилигига газеталарда Россиянинг йўлдош орқали узатилувчи телевидение дастурларининг чоп этилиши асосий сабаб бўлган. «Эски матоҳлардан қутулиш учун вақт етиб келди, етар шунча Москвага қараганимиз», деди Сапармурод Ниёзов.

Лавозим кимга насиб этаркин!

НАТО Бош котиби Хавьер Солана яқин орада Европа иттифоқида ташқи сиёсат ва хавфсизликка масъул юқори лавозимни эгаллаши мумкин. Бугун Бонда бўлиб ўтган Германия социал демократик партияси президиумининг мажлисида федерал канцлер Герхард Шредер шундай фикрни айтади. Германия социал демократик партияси федерал котиби Оттмар Шрайнер ҳам журналистларга шундай мулоҳазаларни айтди. Герхерд Шредернинг фикрича, Хавьер Солана Испаниянинг собиқ ташқи ишлар вазири ва НАТОнинг Бош котиби сифатида ўзини кўрсатди, бу эса Европа Иттифоқидаги айтилган вазифа талабларига тўлиқ жавоб беради, деди у. Солананинг салоҳиятига заррача шубҳа йўқ, деб ҳисоблайди канцлер. Президиум мажлисида НАТО Бош котиблигига Солананинг ўрнига келиши мумкин бўлган ўриндош ҳақида сўз юритилмаган. Бир неча ҳафта бурун баъзи оммавий ахборот воситалари Германия мудофаа вазири Рудольф Шарпингнинг НАТОга раҳбар этиб тайинланиши ҳақида миш-мишлар тарқатишган эди. Бироқ бу чиқишлар ўз исботини топмади.



Қасби туманидаги Б. Дўстбобоев номли 4-ўрта мактаб томонидан Наргиза Санаева номига 1994 йил 19 июнда берилган А № 568085 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сизку қўғирчоқсиз... қўғирчоқбоз ким?

Тасодифан Россия мустақил телевидениесида Рафиқ Нишоновнинг суҳбатини кўриб қолдим. Бу «ўртоқ»нинг собиқ компартия марказий комитети биринчи секретарлиги даврида миллатимизга, ватанимизга қилган «хизмат»лари ҳамон ёдимизда бўлса-да, ҳарқалай у ҳам одам, орадан ўн йил вақт ўтди, Ўзбекистон мустақил давлатга айланди, шу орада ўзгариб қолган бўлиши мумкин, балки собиқ империя пайтида юрт ва халқ манфаати учун унинг ҳам кўнглида эзгу ниятлар бўлгану, замон тақозоси билан айта олмаган бўлиши мумкин, деган хаёллар билан НТВдаги суҳбатни тинглай бошладим.

Ажабо! Ёши бир жойга бориб қолган, бу дунёнинг ишларидан кўра у дунёнинг ташвишини қилиши керак бўлган бу кимса — ҳамон эски ҳаммом, эски тос деганларидек, саккиз йил муқаддам пароканда бўлган империяни қўмсаб кўз ёш қила бошласа бўладими? Кўзларини лўқ қилиб: «Мен СССРдек улуғ давлатни тарқаб кетганлигидан чуқур қайғудаман», дейди ангари. Мана бу кимсанинг бугунги гапи, тавба-тазарруси.

Тўғриси, бу «ўртоқ»нинг 1988-89 йиллардаги фаолиятини кўз олдимизга келтирсак, ундан бошқача бир гапни кутиш ҳам қийин эди. Аммо Р.Нишоновнинг «пахта иши» бўйича айтган гапини эшитиб, субутсизлик, иккиюзламачилик, ёлғончилик ҳам шунчалик бўладими, ахир, деб ўйлаб қолишингиз табиий. Гўё «пахта иши» бўйича марказдан келганлар ҳаддидан ошгану, Нишонов жаноблари уларга қарши курашган. Ҳали ўша қатағонларни бошидан ўтказган, ўз кўзи билан кўрганлар, бу қатлу қирғинлар бошида Р.Нишонов турганлигини биладиган одамлар тирик-ку. Келинг, яхшиси, 1988-89 йилларда бу кимса республикамизда ҳокиму-мутлоқ бўлиб турган пайтдаги айрим воқеаларни ва у кишининг айтган гапларини эслайлик.

«Интернационализм республикани ўпирилишдан чиқаришда марказнинг бугун бераётган мададида намоён бўлмоқда». (1988 йил, 31 январь). Р.Нишонов бу ўринда «Марказнинг мадади» деб Анищчев, Огарок, Сатин, Гдлян, Иванов сингари муттаҳамларнинг миллатимиз фарзандларини қатағон қилиб, отиб-қамаб, муқаддас тупроғимизни оёқ ости қилганларини назарда тутмоқда. Бундай «мадад» ортида империявий шовинистик сиёсат, халқни бадном қилиш, уни қўлларча ишлатиш, миллий анъаналарини, урф-одатларини, тилию динини таъқиқлаш бор эди. Ана шундай манфур ва золим сиёсатни амалга татбиқ этиш марказнинг малайи — Р.Нишонов елкасида эди. Халқимизнинг Нишоновга нисбатан чексиз нафрати — у бу ишни дўндириб бажарганлигини кўрсатиб турибди.

Гапнинг очиғи, ўша йилларда қайта қуриш сиёсати туфайли кўпгина республикаларда миллий ўзликни англаш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини марказдан талаб қилиш, миллий тилларга давлат мақомини бериш авж олган эди. Бундай ишларга ўша республикаларнинг ўз қадрини билган, қалбида ғурури бор раҳбарлари бошчилик қилмоқда эдилар. Аммо Р. Нишоновнинг сотқинлиги, эътиқодсизлиги туфайли нафақат бундай хайрли ишларга қўл урилди, аксинча мустамлакачилик зулмига, руслаштириш сиёсатига янада зўр берилди. Мана яна бир мисол: «Умуман давлат тилини белгилаш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида кўпдан-кўп таклифлар тушмоқда. (Аслида бундай таклифлар эмас, ўзбек тилига давлат мақомини бериш тўғрисида кўплаб таклифлар тушган. Бу Р.Нишоновнинг уйдирмасидан бошқа нарса эмас — Ж. М.) Ўзбек тилига табиий интилишда миллий такаббурлик ва тил шовинизмига айланиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Ўз-ўзидан равшанки, рус бўлмаган аҳолининг рус тилини ўрганишини тубдан яхшилаш талаб этилади». (1989 йил 3 февраль). Бу гап айтилган санага эътибор беринг-а! Ахир бу пайтга келиб Болтиқбўйининг учала республикасида ҳам (1988 йил сентябрь ойида) миллий тиллар давлат тили деб эълон қилинган, бошқа республикаларда ҳам бу тадбирга қизғин тайёргарлик кўрилаётган эди. Р. Нишонов эса ҳамон сталинизм мероси бўлган «Миллий такаббурлик» ҳақида гапирмоқда. Давлат тилини белгиламаслик ҳақида кўплаб таклифлар тушмоқда, деб халқни алдамоқда. Азбароғи рус тилини ўрганишга зўр берилганидан ўзбек тили қарийб йўқ бўлиб кетиш аҳволига бера туриб «Ўзбекистон ССР улкан мамлакатнинг ажралмас қисми» деб оғиз кўпиртирди ва иттифоқсиз биз бир кун ҳам яшай олмаймиз, деб мутеларча бош эгади.

Бошқалар миллат пешонасига офтоб тегсин деса-ю, бу жаноб қулларча тавозе билан биз сиздан ажралмаймиз, биз сиздан қарздормиз, деб турса, ўзбек миллатини ерга урса. Қани бунда миллий ғурур-у, қани бунда ор-номус?

Ўзга республикалар раҳбарлари ўз миллати елкасидаги юкни енгиллаштириш учун жон қуйдираётган, халқимиз эса пахта яккаҳокимлигидан зада бўлган бир пайтда Р. Нишонов КПСС МК пленумида (1989 йил 25 март) «Ўзбекистон бундан кейин ҳам пахта етиштиришга ихтисослашавераси» — дея бутун миллат номидан лоф урса! Бундан ортиқ малайбаччалик, бундан ортиқ хоинлик бўлади-ми?

Ул жаноб оғзидан бол томиб қўллаётган ўша «улкан» империя парчаланиб кетиши нафақат бизлар ёки унинг азобини тортган давлатлар, балки, бутун дунё аҳлининг енгил нафас олишига сабаб бўлди. Шукурки, бугун биз мустақилмиз, дунёда ўз ўрнимизга, ўз овозимизга эга бўла бошладик. Қолаверса, парчаланиб кетганига у киши оҳ-воҳ қилаётган империя етмиш йилда амалга оширолмаган ишларни биз етти йилда амалга оширдик. Оширавермиз.

Одамнинг шундай хили бўларканки қандай сўз айтмасин, қайси соҳага бош суқмасин, унинг табиатидаги сохталик, субутсизлик, сотқинлик ва худбинлик ўша жойда анқиб турaверар экан. Масалан, бу «ўртоқ»нинг Фарғона водийсида рўй берган фожиали воқеалар хусусида айтган фикрларини ёдга олайлик: — «Тўқнашувлар оддий турмуш замирида бошланди. Аниқроғи, бир чалак қулупнай сабаб бўлди. Дастлабки тўқнашувни бартараф этишга муваффақ бўлинди. Орадан бироз вақт ўтгач, партия ва совет органлари учун қутилмаган бир шароитда бир гуруҳ ўзбек ёшлари безорилик қила бошладилар, месхети туркларига ҳужум қилиб, уларни қалтакладилар, уйларига ўт қўйдилар».

Жаноб Нишоновнинг «оддий турмуш тарзи» деган таърифи ўринлимиди? Наҳотки тили, дини бир халқ оддий нарсалар устидан тўқнашишгача бориб етса? Йўқ, бу оддий эмас эди. Муаммоларнинг илдизи анча чуқур эди. Қолаверса, сиз каби ношуд раҳбарнинг одамларнинг ҳаётига бефарқлиги, ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламаслиги, мустамлакачилик зулмининг оқибати эди бу фожиалар. Аслида бу икки халқ тўқнашуви ортида қабиҳ ниятли кишилар, Р. Нишонов «чуқур қайғу» билан эслаётган «улкан давлат»даги империяпараст ёвуз кучлар турганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу кучлар ҳар доим ўзаро низолардан манфаат қидирганлар. Улар ҳар қанча чиранмасинлар ёвуз ниятларига эришолмадилар. Афсуски, ўша қора ниятлар бугун ҳам унда-бунда сассиқ алафдек бўй кўрсатиб келмоқда. Иккинчидан, Нишонов «жанобларининг» гапларида юрт, миллат тақдирига бефарқлик, нописандлик, яна ўша «қозиққа» хушомад сезилиб турибдики, — бу ватанфурушликдан, виждонсизликдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Энди бир савол туғилади. Р. Нишонов бир пайтлар империя қўлида бир қўғирчоқ эди. Ўз хўжайинларига қулларча сиғиниб, суяниб юрарди. Оёғидаги кишанни тортишлари билан улуғ оғасига содиқлик ҳақида булбулдек сайрар эди. Бугунчи? Бугун, у кимнинг қўлида қўғирчоқ бўлмоқда? Аввалари қўғирчоқбоз аниқ эди. Жилови кимнинг қўлидалигини билардик. Бугун уни ким ўйнатмоқда? Кишану жилов кимнинг қўлида?

Рафиқ Нишоновнинг кечаги «ўртоғу рафиқлари» кимлигини яхши биламиз. Бугунгилари ҳақида ҳам шубҳа қилмаса бўлади. Уларнинг «нишони» ҳам аниқ. Аммо энди бундай ўйинлар ўтмайди. Биз фидокорлар озод ва обод юртимизга раҳна солмоқчи бўлаётган Нишоновга ўхшаш ватанфуруш, очкўз, такаббур, сотқин ва қўрқоқларга зарба беришга ҳамма вақт тайёрмиз.

Жуманазар МЕЛИҚУЛОВ

(«FIDOKOR»нинг 1 июнь сонидан олинди)

Гапнинг дангали

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 3 iyun, payshanba • № 65 (24.460).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-55-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Кўчқор НОРҚОБИЛОВ, навбатчи Бобомурод РАЙИМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000004 Газета офсет усулида. А—2 форматда, 23.819 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0440

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 2350
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Катта ижод соҳиби

Баъзан ноёб истеъдод эгалари қатламлараро қолиб кетиши бу кўҳна тарихдан бизга маълум. Истиқлол, озодлигимиз уларни юзага чиқармоқда. Қайнар булоқлар кўзини қуму тошлар бекитолмади, ўзбекнинг бебаҳо ва гўзал миллий урф-одатлари, адиблари қайтадан ҳаётга қайтмоқда ва ҳатто таланган, чет элларга олиб кетилган қўлёзмалар, ҳужжатлар ўз ватанига қайтарилмоқда. Бу ҳам муҳтарам Президентимиз ташаббуси, одил сиёсатимизнинг ҳаётийлигидир. Юқорида айтганимиз, биллурий ва ҳаётбахш булоқлар кўз очиб, қайнаб, халқимизга манфаат етказмоқда. Далаларимиз, шаҳару қишлоқларимиз жамолига бир қаранг!

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти истеъдодли қалам соҳиби Алп Жамол (Жамолиддин Асомиддинов)нинг тўрт жилддан иборат асарлари мажмуасини босмадан чиқарди. Китоблар ғоятда чиройли нашр этилган. Алп Жамол — биз у муҳтарам биродаримизни Жамолиддин ака, деб атардик, ҳаёт бўлганларида 84 ёшларда бўлардилар. (1915 йилда таваллуд топиб, 1990 йилда, 75 ёшда вафот этганлар). Тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёев Алп Жамол ижодига баҳо бериб, у ўзбек адабиётида миниатюра жанрини яратгани, телевидение орқали бу асарлар кўрсатилгани, халқимизга катта хизмат қилганини ёзадилар. Ҳаммамиз ҳам кичик ҳажвий асарлар ёзганмиз, кўрсатилган, аммо Жамолиддин акачалик эмас. Алп

1

Жамол ижоди ҳақида кейинги йилларда матбуотда Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пўлат Мўмин, Шароф Бошбеков, Ғайбулло ас-Салом, Умрзоқ хожи Зокиров, Эргаш Раимов ва бошқаларнинг мақолалари эълон қилинди, бу адиб ижодига қизиқиш яна ҳам ошаётганидан далолатдир. Тўрт жилднинг нашр этилишида аввало академиянинг «Фан» нашриёти, адибимиз тарбиялаган содиқ ва олижаноб фарзандлари Манфаатхон Жамолиддинова, Абдураҳмон ва Муҳиддин Асомиддиновларнинг хизмати бениҳоя катта. Қани, бошқа адибларимиз фарзандлари ҳам шундай бўлса!

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан 9 май— Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинди. Истеъдодли қалам соҳиби Алп Жамол бизнинг нурафшон кунларга етиб келолмади, бўғиқ давр, миллий қадриятларимиз топталган, тил ва динимиз камситилган бир даврда яшаб ижод қилдилар. Унинг «Қайнона», «Тойчоқ», «Шудринг бойвачча», «Қайсар», «Менинг нафсим балодир», «Тилла бузоқ», «Анқонинг уруғи»,

Инсон хотираси — азиз

«Йўқолган куёв», «Саёққа сабоқ», «Ичкуёв» ва яна ўнлаб миниатюраларида халқ дилидаги гапларни айтган. Ичак-узилди воқеалар, адолат ва инсофга йўл очиш, кишиларга завқу ҳузур бериш, тўғрисини айтганда тарбиялаш ёзувчининг улкан мақсади эди.

Драматургия соҳасида Алп Жамолнинг хизматлари озмунча эмас: драматург Шароф Бошбеков ёзганидек, унинг «Ғизғизон» асарида ичиқора, дилозор шахсларни ҳажв қилгани, «Тоштешар»да савдода одамлар ҳаққига хиёнат қилмоқ қанчалик гуноҳ эканлигини кўрсатади. «Бевафо экан», «Тўйдаги тутун», «Жафога вафо», «Меҳрибонлар» асарлари ажойиб саҳна асарларидир. Дарҳақиқат, Алп Жамол катта драматургиямизнинг энг фаол муаллифларидан эканига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бир-бирини такрорламовчи юзларча образлар (сиймолар) Алп Жамол истеъдодидан дарак беради.

Жамолиддин ака мумтоз адабиётимизни яхши биладиган: Хожа Аҳмад Яссавий, Навоий, Лутфий, Фузулийдан тортиб, то Юсуф Сарёмий, бу ёғи халқ оғзаки адабиётининг сардорлари Фозил Йўлдош ўғли (унга котиблик қилган), Ислом шоир, Пўлкан шоир, Эргаш Жуманбулбуллар

2

ижодини ўрганган, «Жалолиддин» достонини яратиш ҳам муаллифнинг ўтмиш тарихимизни яхши билиши, том маънодаги зиёли инсон, ўз миллатининг фидойиларидан бири эканини билдириб турибди.

Алп Жамолнинг тўрт жилддан иборат асарлар мажмуасини ўқиб, бу ўта камтар ижодкорнинг иш ва фаолияти мени ҳаяжонга солди. Баъзи кимсалар йигирманчи, ўттизинчи йилларда Навоийни динга қарши, даҳрий бир шоир, феодалларга хизмат қилган шоир, деб ёзганларида, ёзувчи катта йиғинларда уларга қарши чиққан эди. Шу туфайли таъқибга учраган. Бу ҳақида профессор Ҳамид Зиёев ҳаққоний мулоҳаза юритган. Биз Жамолиддин ака билан яқин, қадрдон дўст эдик, шеърият бизни бирлаштирарди. Таъби нозик шоир сифатида кўпгина шеърлар ёзган ва баъзи ўзига ёққан бошқа шоирларнинг шеърларини ҳам ёддан ўқиб берарди. Каминанинг «Инсон» шеърини ўзимга ёд айтиб берганларида лол қолганман. Зеҳни, ҳофизаси ва ёд олиш қобилияти баланд эди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас! Жамолиддин ака ижоди ҳам ўз жамолини кўрсатмоқда. Бунга, биринчи галда Истиқлолимиз сабабчидир. Иккиламчи, Алп Жамолнинг муносиб фарзандлари муносиб фарзанду зурёд бўлдилар-ки, ота орзусини амалга оширдилар. Эркин фикр айтмоқ замони келди, Ўзбекистонда мулкдорлар, тижорат усталари ўсмоқда, Муҳиддинжон республикамизда ўтган Наврўз байрамида халқимизга ўз сармоясидан катта ёрдам кўрсатди. Адабиётимиз арбоблари, отасининг сафдошларини ҳам қўллаб-қўлтиқлаб турибди, буни биз ҳеч қачон унутмаймиз. Саховатнинг юқори чўққиси — ёрдамга муҳтож қалам аҳлига мурувват кўрсатмаклик катта савоб, деб тушунамиз. Бир вақтлар Мавлоно Муқимийга янги тўн, кавуш-маҳси, бир қийиқчада нону наввот олиб келиб, мадраса ҳужрасига кирганларида, улуғ шоир: «Мени ҳам эслайдиганлар бор экан...» деб кўзига ёш олгани ҳақиқат. Марҳум Собир Абдулла ўзининг «Мавлоно Муқимий» романида бу ҳақда ёзган. Ўша замонда бу мурувват Муқимийни яна оёққа турғазиб юборган.

Америкалик мулкдор, автомашиналар қироли Форд ишни велосипеддан бошлаган. Инженер Алберт Нобель ихтиролари, катта саноатини гугуртга ўхшаган кичик нарсадан бошлаган. Унинг номидаги мукофот— фан, адабиёт фахрига айланди. Бу, умидли дунё, «Алп Жамол» — унутилмас ва қадрдон дўстимиз номида ҳам соврин яратилиб, адабий жараёнда машҳур бўлиб кетса ажаб эмас. Алп Жамолнинг охирати обод бўлсин, жойи жаннатда бўлсин.

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

3

Элликқалъада қўшиқ байрами

Таниқли санъаткор Отажон Худойшукуров ҳақида унинг мухлисига гапириб ўтириш ортиқча. Унинг овози кириб бормаган хонадон йўқ Ўзбекистонда. Фақат Ўзбекистонда эмас, бошқа юртларда ҳам унинг мухлислари кўп...

Санъаткорнинг ҳаётдан кетганига бир неча йил бўлди. Аммо у орамизда юргандек — қўшиқлари, овози тирик экан, у ҳам тирик дейишимизга асос бор.

Таниқли санъаткорнинг шогирд ва дўстларини, элни қувонтирадиган бир хушхабар: шу йил июль ойининг сўнгги ўн кунлигида Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб қўшиқчилар кўрик-танлови ўтказилади. Шубҳасиз, бу тадбир хонанда томонидан айтилган ва яратилган қўшиқларни кенг тарғиб қилиш, ёш истеъдодларни излаб топишда муҳим роль ўйнайди.

Ташаббускор — Элликқалъа тумани ҳокимлиги таклифини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши маъқуллади, бу ҳақда махсус қарор қабул қилинди. Дастлабки тайёргарлик ишлари амалга оширилди ҳам: Элликқалъа тумани ҳокимлиги қошида Отажон Худойшукуров жамғармаси очилди, туман маданият саройида ана шу катта танловни ўтказиш учун қўшимча қурилиш ишлари бажарилянти, ўлкашунослик музейида хонандага бағишланган алоҳида бўлим ташкил этилди, санъаткорнинг уй-музейи ҳам меҳмонларни қабул қилади...

Хушхабарни эшитибоқ, танловни ўтказишга ҳисса қўшиш истагидаги ҳамюртларимиз ўз таклифлари билан келишди, — дейди ташкилий қўмита аъзоси, туман ҳокими муовини Фарҳод Ибодуллаев.

Мана улардан бири билан танишинг:

— 1979 йилнинг декабрь ойи. Тошкентдаги махсус мактабнинг 9-синфида ўқирдим, Тўрткўлга учмоқчи эдим, — хотирлайди элликқалъалик тадбиркор Зийнат Маткаримов. — Обҳаво ёмонлиги туфайли самолёт учмай икки кун аэропортга қатнадим. Учинчи куни, бир четда тургандим, учиши аниқ бўлган бахтли йўловчилар тўпидан ажралиб, Отажон оға мен тарафга юрди — хафа бўлиб турганимга эътибор берди шекилли. Аҳволимни сўраб, «Ҳўсин, мана бу бола бугун учиши керак», — деди бир аэропорт ходимига. Самолётда мени ёнига ўтиргизди, келгунча суҳбатлашдик. Тўрткўл аэропортидан бир ошнасига қўнғироқ қилиб, «ГАЗ-24» машинасини олдирди, ҳайдовчига мени уйимга элтиб қўйишни топширди. Шу воқеадан ўн йилча кейин, яна Отажон оға билан самолётда учрашдим, оғага уйига учолмай аэропортда мунғайиб турган болага қилган яхшилигини эслатдим. «Бўлиши мумкин, ёдимда йўқ» дедилар Отажон оға. Яхши кишилар қилган яхшилигини эслаб юрмас экан. Мана имкони келди, танловнинг чиройли ўтишига ҳисса қўшсам, ўша яхшиликка бир миннатдорчилик бўлар...

Танлов баҳона — кимдир хонанда Отажон, кимдир оддий инсон Отажон оға ҳақидаги хотираларини яна бир эслаб кўяр, айтиб берар, қоғозга туширар... Сирасини айтганда бу хотираларни ҳар куни эслаб, айтиб юрибмиз. Аммо, мухлисларнинг, шогирдларнинг катта давраси бошқа гап. Ва яна хотиралар билан шогирдларнинг овози янграйди, — улар Отажон бўлиб қуйлайдилар, унинг тилидан сўзлайдилар.

... Суҳбатлашиб ўтирганимизда Фарҳод Ибодуллаевнинг телефони узоқ жирингланди. Муовин гаплашиб бўлгач, менга юзланиб, изоҳлади: — Айни суҳбатимизга доир масала юзасидан хоразмлик хонанда Ғофиржон Эсчонов қўнғироқ қиляпти. Ака-ука Ғуломжон ва Мақсуджонлар, бошқа шогирдлар танлов олдидан хайрия концертлари уюштириш ниятида эканларини айтяпти...

Хуллас, Элликқалъада катта қўшиқ байрами бўлажак...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўйин – таълимнинг яхши усули

Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра Америка педагоглари ва АҚШ стоматологлар уюшмаси томонидан бошланғич мактаб ўқувчилари учун ишлаб чиқилган «Бир умрлик ажойиб табассум» деб номланган дастурни амалга оширишга киришилди. Болаларни гигиеник жиҳатдан тарбиялаш борасидаги таълим дастурида ҳар йили жаҳондаги барча болаларнинг 25 миллиондан зиёдроғи иштирок этади.

Энди эса Тошкентдаги 335 та мактабнинг қирқ уч минг нафар ўқувчиси ушбу дастурда қатнашмоқда. «COLGATE—PALMOLIVE» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси «Аловиддин» клубида ўтказган танловда болалар Доктор Куёнчанинг энг яхши ёрдамчиси унвонини олиш учун ўзаро беллашдилар. Доктор Куёнча таниқли эртак қаҳрамони бўлиб, у стоматолог-шифокордир. Танлов давомида болалар тиш тозалаш, оғиз бўшлиғини, милкларни яхши сақлаш борасида беллашишди. Мусобақа ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

Яккасарой туманидаги 91-мактабнинг «Тишчалар» командаси танлов ғолиби деб топилди. Лекин танловда мағлублар бўлмади. Болалар табассуми оламга ёйилди.

Суратларда: танловдан лавҳалар.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

Болалар бир яйрашди

Тошкент вилоятида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан чиройли тадбир бўлиб ўтди. Қибрай туманининг Дўрмон хўжалиги марказидаги сўлим майдонда вилоятнинг барча туманларидан таклиф қилинган иқтидорли ўқувчилар учун тўкин дастурхон ёзилди. Болажонларнинг жони бўлган музқаймоқ улашилди. Ўзбекона урфга кўра ош тортилди.

— Келажагимиз бўлган болаларга Президентимиз қанча ишонч билдириб, имкониятлар яратмоқда, биз учун уларга хизмат қилиш мароқли, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири, Республика «Камолот» жамғармасининг Қибрай тумани бўлими раиси Зокир Бердиев.

Ростдан ҳам ушбу байрамона муҳитни яратиш учун республикамиздаги қатор жамғармаларнинг вилоят ва Қибрай тумани бўлимлари, вилоят ҳамда Қибрай тумани ҳокимлиги ўз ҳиссаларини қўшишди. Жумладан, вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов ва туман ҳокими Мирзамашраб Кўччиевларнинг байрамда шахсан қатнашиб болани қутлашгани, айниқса вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаеванинг болалар қувончини баҳам кўргани йиғилганлар кайфиятини янаям кўтариб юборди.

Туманлардан ташриф буюрган болалар дасталарининг рақс ва ашулалари остида қувноқ ўтган байрам сўнгида кичкинтойларга совғалар улашилди.

Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ғилдирак устидаги шифохона

— Бирон таям тиббиёт муассасаси йўқ жойларда йўл қурилишини тасаввур этиш қийин эмас, — гап бошлади Шавкат ака Эшонхўжаев. — Самарқанд, Бухоро, Ашхобод ва бошқа шаҳарларда илк бор ташкил топган темир йўл батальонлари ҳарбий врачлари ва фельдшерлари шунингдек, тиббиёт пунктларининг ходимлари оғир чўл шароитида қурувчилар оғирини енгил қилганлар. Ўрта Осиё темир йўли поездлари ҳаракати йўлга қўйилгандан кейин пухта тиббиёт хизматини яратиш зарур бўлиб қолди.

Қизиғи шундаки, ўтган юз йил давомида бу масала бир неча марта кун тартибига қўйилди. Ҳатто чор ҳукумати тугул, совет ҳукумати олдига ҳам! «Қайта қуриш» дея аталган даврда айрим оғзига кучи етмаганлар темир йўл соғлиқни сақлаш хизматини бугунлай тугатиш хусусида «баҳс» очдилар?!

Лекин кўриб турибмизки, мустақиллигимиз даврида у катта тармоққа айланди. Темир йўл тармоғининг ўн битта бўлинмасида ўз поликлиникаларига эга бўлган 16 та шифохоналар бирлашмаси, ўн учта санитария-эпидемия тизими, 96 та ФАПлар, 47 та соғлиқни сақлаш пунктлари, 12 та вокзал тиббиёт пунктлари, 4 та тиббиёт амбулаторияси, иккита физиотерапия шифохонаси, тери касалликлари йўл диспансери, махсус йўл касалхонаси ва поликлиникаси, тиш поликлиникаси, тиббиёт билим юрти, қўйингки, бутун бир шаҳарчага тенг тиббий хизмат йўлга қўйилди!

— Бу бутун тармоқ бўйича олиб қараганимизда энг тараққий этган тиббий хизмат, десак муболаға бўлмайди, — сўзида давом этди «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик темир йўл компанияси тиббиёт-санитария хизматининг бошлиғи Шавкат Жўраевич. — Агар бундан бир аср олдин — 1899 йили Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси таркибидаги илк тиббиёт қисми — ғилдирак устидаги шифохона билан ҳозирги мустақиллигимиз шарофати туфайли соғлиқни сақлаш хизмати тармоғини таққосласангиз, ер билан осмонча фарқни кўрасиз. Ўн мингдан ортиқ темир йўл ишчи-хизматчилари саломатлигини кўз қорачиғидай асраш зиммамизда эди-да. Ўн иккита профил бўйича 3330 та шифо ўринлари ташкил этилди. Поликлиникаларимиз эса ҳар сменада ўн тўққиз профил бўйича 6900 нафаргача беморнинг дардига малҳам бўлди.

— Оролбўйи аҳолисидан миннатдорлик мактублари келган деб эшитдик...

Салкам йигирма йилдан буён шу соҳага бош-қош бўлиб келаётган Шавкат ака Эшонхўжаев ёш йигитлардек қувониб деди:

— Бизда мустақиллик йилларида катта, туб ўзгаришлар юз берди: Туркманистон ва Тожикистон темир йўли биздан ажралиб чиққач ва ўз навбатида биз ҳам собиқ иттифоқ вазирлиги ихтиёридан чиққанимиздан кейин республикамиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг жойлардаги муассасалари билан мустаҳкам алоқада иш олиб бордик. Фойда келтирмаётган, кам қувватли муассасаларни тугатиб, кундузги стационарда даволаш шаклларига ўтяпмиз. Даволашнинг янги усуларини кенг қўллаяпмиз. Оролбўйига келганда темир йўлчиларнинг ўзларигагина эмас, уларнинг оила аъзолари ва фарзандлари дардига ҳам шифо бериш учун қўлимиздан келган ҳамма имкониятни ишга соляпмиз.

Ҳамид ИКРОМОВ

Сусткашлик оқибати

Олимпиада саралаш учрашувида мамлакатимиз терма жамоасининг иштирокидан мухлислар анча ранжиб қолишди. Тўғрисини айтганда, гурухдаги саралаш ўйинларини футболчиларимиз ёмон бошламаган эдилар. Зеро, Қозоғистон терма жамоаси билан Тошкентда ўтказилган ўйинда имкониятнинг бой берилиши футболчиларимиз мавқеига салбий таъсир кўрсатди. Ишқибозлар эса, сафарда Қозоғистон жамоаси билан бўладиган такрорий ўйинга умид боғлашди. Афсуски, бу сафар ҳам йигитларимизнинг омадлари чопмади. Шу тарика олтита очко йўқотилди. Қозоқ футболчилари эса тўрт ўйиндан 10 та очко тўплаб пешқадам бўлиб олишди. Футболчиларимиз эса бешта учрашувдан кейин 7 очко билан иккинчи бўлиб туришибди. Энди Тошкентда Туркманистон ва Қирғизистон жамоалари билан бўладиган, сафарда Тожикистон футболчилари билан учрашувларга умид боғлаб бўлармикан?

Довон олдида

Олий лига футбол жамоалари мамлакат чемпионатининг дастлабки давраси ўйинларини якунлашларига 3 тур қолди. Ҳар бир жамоа довондан муваффақиятли ўтиш учун имкониятини ишга солиб, мавқеини мустаҳкамлашга зўр бермоқда. Ҳар галги учрашувлардан кейин ўйинлар жадвалида ўзига хос ўзгаришларни кўриш мумкин. Хусусан, пешқадамликни қўлдан бермай келаётган «Самарқанд» футболчиларининг Тошкентда «Трактор»дан 2:3 ҳисобида енгилиши «Дўстлик» жамоасининг биринчи бўлиб олишига имкон берди. «Дўстлик» эса «Янгиер»ни қабул қилиб (3:0) жами очколарни 31тага етказди. Самарқандликлар ҳисобида 29 та очко бор. 12-турнинг қолган ўйинлари қуйидагича тугади: «Хоразм» - «Сўғдиёна» - 1:0, «Насаф» - «Пахтакор» - 2:1, «Зарафшон» - «Нефтчи» - 3:1, «Андижон» - «Навбаҳор» - 1:1, «Сурхон» - «Темирйўлчи» - 2:3, «Бухоро» - «Металлург» - 3:0.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жамоаси гурух раҳбари Ўктамбой Элбековга оналари

Салтанат ая ЭЛБЕКОВАнинг

вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83